



20 20 у. « 30 » сентябрь № Қ-490 « ___ » _____ 20 ___ г.

Термиз тумани “Халқобод” маҳалласи худудидан “Жарқўрғон Ландшафт Сервис” МЧЖга “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/309-сон йиғилиш баёни ва Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 10 апрелдаги 147/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 18 июндаги 05-02/309-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Халқобод” маҳалласи худудидан “Жарқўрғон Ландшафт Сервис” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидаги кишлок хўжалик харитасининг 58 ва 59-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги ўртача 48,3 балл бонитетли жами 21,3 гектар шундан 20,6 гектар суғориладиган экин ер, 0,6 гектар арик ва зовурлар ҳамда 0,1 гектар йўллар билан банд бўлган ер майдонлари кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида “Иссиқхона” қуриш учун вақтинча (10 йил) муддатга фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Жарқўрғон Ландшафт Сервис” МЧЖ бошлиғи Р.Қ.Пояновга: ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши:

мақсадсиз фойдаланганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов